

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Саноат тармоқларини бошқариш факултети  
Хаёт фаолияти ва хавфсизлиги кафедраси

**Бойназаров Алишер**

**Бакалавр даражарисини олиш учун тақдим қилинган  
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**МАВЗУ: Бошқаришнинг педагогик-психологик жихатлари**

Илмий раҳбар:

**Абдукаримов Х**

**Тошкент-2012**

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

### I. БОБ. Тизимли таҳлил ва масаланинг қўйилиши.

1.1 Бошқариш системалари тузилишининг умумий принциплари ва хусусиятлари.....

1.2 Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг асосий принциплари ва методлари.....

1.3 Бошқаришнинг ташқилий ситемалари. Ишлаб чиқаришнинг иктисодий ва кибернетик ситемалари.....

1.4 Масаланинг қўйилиши.....

### II. БОБ. Асосий қисм.

2.1. Маълумотларни мияда бошқариш системаси.....

2.2. Маълумотлар буйича керакли ва кераксизларни кўриш ва қидириш.....

2.3. Сўровлар.....

2.4. Формалар.....

2.5. Хисоботлар.....

2.6.Фойдаланувчига йўриқнома.....

### III. БОБ. Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги.

ХУЛОСА.....

Фойдаланилган адабиётлар.....

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

## Кириш.

Хозирги даврда фан ва техникада куп кулланиладиган тушунчалардан бири - тизимдир. **Тизим** - юнонча суз булиб, ташкил этувчилардан иборат бир бутунлик деган махнони англатади. Тизимларни уларнинг турли белгиларига караб туркумлаш мумкин. Умуман олганда, тизимлар **моддий** ёки **мавхум** булиши мумкин (мавхум - инсон онги махсули).

Моддий тизимлар, асосан моддий объектлар тупламидан ташкил топади. Уз навбатида моддий тизим аорганик (механик, химик) ва органик (биологик) тизимга ёки аралаш тизимга ажратилади. Моддий тизимларда асосий уринни ижтимоий тизим эгаллайди. Бундай тизимнинг хусусиятларидан бири инсонлар уртасидаги муносабатларни акс эттиришдир.

Мавхум тизимлар инсон онгининг махсули булиб, хар хил назариялар, билимлар, гипотезалардан иборат. Янги ахборот технологияси хам моддий тизим унсурларини (компьютерлар, хужжатлар, инсонлар), хам но моддий тизим унсурларини (математик моделлар, инсон билимлари ва хоказо) уз ичига олади. Шу орада ахборот технологиясига таъриф бериб утиш махсадга мувофикдир.

Ахборот технологияси - объектнинг, ходиса ёки жараёнининг (ахборот махсулотининг) ахволи хакида янгича маълумот олиш махсадида маълумотларни йиғиш, кайта ишлаш ва узатиш воситалари хамда усуллари мажмуаси (бошланғич маълумотлар) дан фойдаланиш жараёнидир.

Ахборот технологиясининг махсади ахборотларни инсон уларни тахлил килиши ва шу асосда бирор ишни бажариш буйича карор кабул

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

килиши учун ишлаб чиқишдан иборат.

Шундай қилиб, тизим - бу узаро боғлиқ ва ягона мақсадга эришиш учун маълум қоида асосида узаро муносабатда бўладиган унсурлар туплами. Бу унсурлар туплами оддий унсурлар йиғиндисидангина иборат бўлмай, ҳар бир унсур ҳам уз навбатида тизим бўлиши мумкин.

Тизимлар тузилиши бўйича **оддий** ёки **мураккаб** бўлиши мумкин.

Оддий тизимларни ташкил этувчи унсурлар сони кам бўлиб, содда тузилишга эга бўлади.

Мураккаб тизимлар эса, бир нечта унсурлардан ташкил топган бўлиб бу унсурлар ҳам уз навбатида алоҳида тизимларга бўлиниши мумкин.

Вақт давомида узғаришга қараб тизимлар **статистик** ва **динамик** турларга ажратилади. Статистик тизимда вақт давомида узғариш бўлмайди. Динамик тизимда эса, вақт ўтиши билан ҳолат узғариб боради.

Ташқи муҳит билан бўладиган алоқасига қараб **очик** ёки **ёпик** тизимлар бўлиши мумкин. Очик тизимлар ташқи муҳит билан актив алоқада бўлади. Ёпик тизимларнинг унсурлари эса ташқи муҳитдан тахсирланмайди.

Халқ хужалиғи тармоқларининг асосий вазифаси - давр талабига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ана шу вазифасининг бажарилишини тахминлаш бошқариш зиммасига юклатилган. Бу эса уз навбатида моҳиятига қўра ахборот жараёнидир. Ахборот - бошқарувнинг негизи ҳисобланади. Мазкур вақтдаги бошқариш тизимининг ҳолати ахборот билан белгиланади. Бошқарув ахборот жараёни сифатида қаралар экан, бунда қуйидаги асосий ўч босқич қўзга ташланади:

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

1. Бошқариладиган объект ҳолати туғрисидаги ахборотларни туплаш, чамалаш, кайд килиш, узатиш ва саклаш.

2. Олинган ахборотлар устида ишлаш.

3. Бошқарувчи ахборотни (бошқарув қарорини) қабул килиш.

Юқоридаги босқичларни амалга ошириш натижасида объект бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтади ва бошқарув жараёнида турли ахборотлар ҳосил қилинади.

Ахборот тизимлари, деганда қўйилган мақсадга эришиш учун ахборотни саклаш, унга ишлов бериш ва уни узатиш мақсадида фойдаланиладиган, қўлланиладиган воситалар, усуллар ва ходимларнинг узаро боғланган мажмуаси тушунилади.

Иқтисодий тизимлар бошқариш нуқтаи назаридан ахборот тизими қаби қаралади ва қўпинча автоматлаштирилган тизим, дейилади. Бу тизимларнинг асосий вазифаси фойдаланувчиларнинг талабига мувофиқ равишда ахборотларни туплаш ва тайёрлаш, саклаш, узатиш ва тақдим этишдан иборат.

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

## **1.1 Бошқариш системалари тузилишининг умумий принциплари ва хусусиятлари.**

Мамлакатимизда илмий - техника революциясининг энг мухим натижаларидан бири - халк хўжалигининг система сифатида жуда мураккаблашуви бўлди. Корхоналардаги айрим технологик жараёнларни бошқаришда ҳам, ишлаб чиқаришнинг бутун-бутун тармоқларини бошқаришда ҳам автоматлаштирилган бошқариш системаларини (АБС) яратиш ва жорий қилиш кун тартибидаги мухим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. АБС ни ишлаб чиқишнинг назарий асоси техник кибернетика бўлиб, у информацияни қабул қилиб олиш, сақлаш ва оптимал бошқариш мақсадида қайта ишлаш қобилиятига эга бўлган исталган объектларни ўрганеди. Табиийки, кибернетика методларини саноат, қишлоқ хўжалик корхонаси каби системаларни ўрганишда қўллаш бу корхоналарнинг ишини планлаштириш, ташкил этиш ва бошқаришда катта имкониятлар очиб беради.

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

## 1.2. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг асосий принциплари ва методлари

Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг асосий принципларидан демократик марказлашган принципи, сиёсат ва хўжаликка рахбарликнинг бирлиги принципини хар томонлама асослаб бериш жуда мухим ахамиятга эга. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бу принциплари энг мухим шундай талабларни белгилаб берадики, бунда ишлаб чиқаришга рахбарлик қилиш соҳасидаги ишнинг ташкил этилиши ва практикаси хам, иқтисодий қонунларининг объектив ифодаловчи ва бошқариш соҳасидаги амалий фаолият учун дастуруламал бўлиб хизмат қилувчи барча қонун-қоидалари хам ана шу талабларга мос келиши керак.

Бошқариш принципларини классификациялаш ва системага солишга нисбатан куйидаги талабларни кўрсатиб ўтиш керак: рахбарликнинг одиллиги, бошқаришнинг илмийлиги, планлилиқ, манфаатдорлик (меҳнатни ва бошқаришни рағбарлантириш), бошқариш системасини ишлаб чиқарувчи кучлар даражасига мувофиқлаштириш.

Бошқаришни ташкил этишнинг асосий принциплари ишлаб чиқариш процессларини ташкил қилиш принципларини: ихтисослаштириш, пропорционаллик, параллеллик, узлуксизлик, ритмликни хам ўз ичига олиши керак. Баъзан бу принциплардан бошқаришнинг ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини характерловчи кўрсаткичлар тарзида фойдаланилади.

Бевосита директив(маъмурий) методлар буйруқларга, фармойишларга, кўрсатмаларга, фармойишларнинг бажарилишини контрол қилиш ва интизомни мустаҳкамлашга асосланган. Бевосита директив методлардан фойдаланиш ташқилий методларга асосланган, ташқилий методлар эса ўз

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

навбатида бошқариш аппарати структурасининг тузилишини аниқлайди, бошқаришнинг ва айрим ижрочиларнинг ҳуқуқ ҳамда бурчларини белгилайди, кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига кўйишни таъминлайди.

Иқтисодий методлар (моддий рағбатлантириш методлари) сифатида хўжалик ҳисобидан, ишнинг энг яхши натижалари учун моддий рағбарлантиришдан, шунингдек, нарх, иш хақи, мукофот, фойда каби иқтисодий воситалардан фойдаланилади.

Моддий рағбатлантиришда ходимларнинг шахсий моддий манфаатдорлигидан фойдаланилади, коллективнинг, корхонанинг, фойда олиш билан боғлиқ бўлган моддий манфаатдорлигини тақсимладиган жамият истеъмол фондлари билан қондириладиган умумхалқ моддий манфаатдорлигини ҳисобга олади. Бунда коллектив манфаатлари умуман жамият манфаатлари билан мос келиши керак.

Бошқариш ишонтиришни мажбур этиш билан қўшиб олиб бориш асосида тузилиши керак. Ишонтириш тарбиялаш методларига асосланган, тарбиялаш методлари эса тушунтириш ишларини, тарбиявий ишларни ва таъминлаб бериш ишларини ўз ичига олади.

Корхонанинг структураси ва ишлаб чиқаришни бошқариш функциялари

Ҳозирги замон саноат корхоналарининг структурасини ва бошқариш функцияларини кўриб чиқишдан олдин уларни классификациялаш принципларини аниқлаб олиш лозим.

Ҳар қайси саноат корхонаси ўзининг ишлаш процесси ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан белгиланадиган характерли хусусиятларга эга. Шунинг учун корхоналарни умумий аломатларига кўра классификациялаш маъқул кўрилади. Корхоналарнинг умумий аломатлари жумласига қуйдагиларни киритиш мумкин: қайси соҳага тааллуқли эканлиги

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

(ишлаб чиқариш воситалари ёки истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш процесси узлуксиз ёки узлукли корхоналар) ишлаб чиқариш кўламлари(йирик, ўртача, майда) ихтисослаштириш даражаси (ихтисослаштирилган, аралаш, универсал) бир типдаги маҳсулот ишлаб чиқариш кўламлари; ишлаб чиқариш процессини ташкил этиш методи; ишлаб чиқариш процессини механизациялаштирилганлик ва автоматлаштирилганлик даражаси; ишлаб чиқаришни бошқаришнинг механизациялаштирилганлик ва автоматлаштирилганлик даражаси.

Корхонанинг юқорида айтиб ўтилган аломатлар билан аниқланадиган структураси ишлаб чиқариш бўлимларини, моддий-техника воситалари билан таъминловчи булимлар, тайер маҳсулотни ўтказиш (сотиш), қурилиш булимлари ва бошқаришни ўз ичига олади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш структураси ишлаб чиқаришнинг айрим участкалари ва ходимлар орасида меҳнатнинг энг тўла тақсимланишини, ишлаб чиқариш процессининг максимал узлуксизлигини, айрим участка ва ходимларнинг ихтисослашувини, корхонада меҳнат шароитини яхшилашни таъминлаши зарур. Саноат корхонасининг куйидаги ишлаб чиқариш структуралари мавжуд: айрим цехлар ишлаб чиқариш участкаларини ўз ичига олади, бу участкалар эса, ўз навбатида, айрим иш ўринларидан иборат булади.

Асосий цехлар ёки участкалар асосий хом ашёни ва ярим фабрикатни тайер маҳсулотга айлантириш билан боғлиқ булган муайян ишлаб чиқариш процессларини бажаради ёки бирор буюм ва унинг қисмини бевосита тайерлашга оид ишлаб чиқариш босқичларнинг ҳаммасини амалга оширади. Цехлар технологик ёки предмет принциплари асосида қурилади.

Ёрдамчи цехлар ёки участкалар асосий маҳсулот чиқариш учун ёрдам берувчи операцияларни (ремонт қилиш, асбоб- ускуналар тайерлаш ишлари ва шу кабиларни) бажаради.

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

Корхонанинг иши учун корхона ишлаб чиқариш структураси типини ва корхона цехлари ҳамда ишлаб чиқариш участкаларининг қурилиш принципларини туғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Амалий жихатдан олганда, ишлаб чиқариш структурасини учта типидан: технологик, предмет ва аралаш типидан фойдаланилади.

Технологик структура цех ва участкаларнинг технологик жихатдан бир хиллигини таъминлайди.

Предмет структураси цехларни муайян деталлар, узеллар ва буюмлар ишлаб чиқаришга чуқир ихтисослаштиришни, автоматлаштиришни ва юқори унумли ихтисослаштирилган асбоб-ускуналардан фойдаланишни кўзда тутди.

Ишлаб чиқариш структурасини юқорида кўрсатилган типларидан хар бири ўз афзалликлари ва камчиликларига ҳамда бошқаришни ташкил этишнинг ўз хусусиятларига эга.

Саноат корхонасининг юқорида кўриб ўтилган структурари корхонани бошқариш структурасини белгилаб беради, бу структура эса кўп звенолилик билан характерлади. Корхонани бошқаришнинг биринчи звеноси ишлаб чиқариш мастери ёки участка бошлиғи рахбарлик қиладиган ишлаб чиқариш участкасидир. Ишлаб чиқариш участкалари цехларнинг таркибига киради. Одатда цехни бошқариш органлари цех бошлиғига бўйсунди. Аммо завод бошқармасининг тегишли бўлимлари бу органларга ишни ташкил этишнинг умумий принциплари ва методларини ишлаб чиқариш йўли билан рахбарлик қилади.

I.1-расмда саноат корхонасини бошқаришнинг умумий структураси кўрсатилган.

Корхонанинг бошқаруви хар бир булими муайян турдаги информацияни қайта ишлашга ихтисослашади: бухгалтерияга хисобга олиш информацияси, корхона молиясининг харакати туғрисидаги маълумотлар

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

келиб тушади; таъминот бўлимига-моддий бойликларнинг харакати тўғрисидаги маълумотлар (кирими, сарфи, махсулот юборишнинг планлаштирилиши ва шу кабилар) келади.

Корхонанинг бош инженери техник рахбарликни таъминлайди, бу рахбарлик янги буюмлар ишлаб чиқишни, янги технологик процесслар лойихалаш ва амалдаги технологик процессларни такомиллаштириш, янги асбоб- ускуналарни жорий қилиш ва ишлаб турганларини такомиллаштириш, шунингдек завод ходимларининг самарали ишлаши учун шароит яратишни ўз ичига олади. Бош инженерга ишлаб чиқариш цехлари, лабораториялар, шунингдек, конструкторлик, технологик ва бошқа булимлар бўйсунди.

План бўлими корхона фаоиятининг перспектив ва жорий планларини ишлаб чиқади, планларнинг техник-иктисодий кўрсаткичлари бўйича қандай бажарилганлигини хисобга олади ва анализ қилади, цехларда планлар тузишга рахбарлик қилади, завод бошқармаси бўлимларининг перспектив план, техпромфинплан, махсус планлар бўлимларини ишлаб чиқариш юзасидан қиладиган ишларини координациялайди.

Мехнат ва иш хаки бўлими иш нормасини ва бахоларини аниқлайди ҳамда ўзгартиради, корхона ходимлари сонини контрол қилади, мукофот ва иш хаки системасини ишлаб чиқади; цех бошлиқлари ва мастерларга мехнатни ташкил этишда, уни тахсимлаш ва координациялашда, мусобакага рахбарлик қилишда ёрдам беради.

Бухгалтерия корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятида хисобга олиш хисобот беришни ташкил этади, корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятида хисобот беришнинг қанчалик тўғри акс этганлигини контрол қилади, молиявий бўлимнинг ишига рахбарлик қилади; ишлаб чиқариш ва моддий бойликларни хисобга олишга рахбарлик қилади; хисобга олиш ва хисобот бериш формаларини ишлаб чиқади; маблағларнинг қанчалик

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

конуний ва мақсадга мувофиқ равишда сарф қилинаётганлигини, давлат интизомига қанчалик риоя қилинаётганлигини контрол қилади.

Таъминот бўйи ёкилги, асбоблар, материаллар билан таъминлашни, уларни сақлаш ва цехларга бериш, ярим фабрикатлар учун бюртмалар тарқатишни ташкил этади, материаллар ва ярим фабрикатлардан қандай фойдаланилаётганини контрол қилади, заявқалар уюштиради.

Техник контрол бўлими маҳсулот, хом ашё, материаллар, ярим фабрикатлар, асбоблар сифатини контрол қилади, истеъмолчилар рекламациясини ўрганади, брак чиқишини олдини олади, бракнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишда цехларга ёрдам беради, бракни йўқотиш тадбирлари тўғрисида масала қуяди.

Бош механик бўлими ва бош энергетик бўлими асбоб-ускуналар капитал ремонтини ташкил этади ва амалга оширади, асбоб ускуналарни такомиллаштиради, запас қисмлар буюртиради; асбоб-ускуналар учун запас қисмлар тайёрлашга раҳбарлик қилади, планли-олдини ишлари графигига қанчалик риоя қилинаётганлигини контрол қилади; бўлимлар ўтказадиган тадбирларни таъминлайди.

Биз функциялари ҳамда вазифаларини кўриб чиққан бўлимлар завод бошқармасининг баъзи бўлимларидир. Юқорида кўриб ўтилган бўлим ва хизматларидан ташқари, саноат корхоналарида капитал қурилиш, ўтказиш (сотиш), кадрлар бўлими ва бошқа бўлимлар ҳам кўзда тутилади.

Саноат корхонасини бошқариш структурасида тегишли бўлимларнинг бўлиши шу корxonанинг конкрет хусусиятларига боғлиқ булади, бу хусусиятлар тўғрисида юқорида айтиб ўтилган эди. Шунинг таъкидлаб утиш керакки, ишлаб турган корхонада бошқариш бўлимларини ўзгартириш ва ривожлантириш ишлаб чиқариш хажмларининг ортиши натижасида, ишлаб чиқариладиган буюмлар номенклатурасининг ўзгариши, технологиянинг ўзгариши ва шу қабилар натижасидагина мумкин булади.

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

Аммо асосий сабаблардан бири информация оқимининг ортиши бўлиб, инсон ишнинг катта ҳажмини қамраб олиши қийинлашади. Бинобарин, бошқариш структурасини аниқлашда асосий критерий информация, унинг ўзига хос хусусияти ва ҳажми, шунингдек, инсоннинг информацияларни ўтказиш қобилияти, нуқтаи назаридан олганда физиологик хусусиятларидир. Бундай ҳолда инсонга электрон ҳисоблаш машинаси ёрдам беради, электрон ҳисоблаш машинаси эса инсондан фарқли ўлароқ, программа -топшириқларнинг махсус тўплами бўйича ҳар хил бошқариш ва ҳисоблаш ишларини бирга бажара олади.

Энди ишлаб чиқаришни бошқариш функцияларини кўриб чиқамиз. Бошқариш функцияси деганда бошқаришни исталган сферасида қабул қилинадиган бошқариш фаолиятининг алоҳида тури тушунилади. Бошқариш функциялари кўпинча автор томонидан кўриб чиқилган [2,3,4] ва бу авторлар классификациялашнинг турли асосларини ташкил этадилар

Аммо иқир-чиқирларга тўхтаб ўтирмасдан, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг энг умумий, йирик функцияларини келтириб ўтамиз, булар яратишни бошқариш, ишлаш ва такомиллаштиришни бошқариш функцияларидир. Йирик функцияларнинг ҳар бири корхона асосий фаолиятини бошқариш функцияси билан ишлаб чиқаришни таъминлашни бошқариш функциясига бўлиниши мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳар хил ресурслар истеъмол этилади, бу ресурслар жумласига ишчи, меҳнат буюмлари, меҳнат қуролларини киритиш мумкин. Батафсилроқ кўриб чиқиладиган бўлса, юқоридагилардан ташқари, энергияни молия ва информацияни ҳам кўрсатиш керак. Информация - ишлаб чиқариш процессининг шу ишлаб чиқариш процессида ўзи сарф бўлмайдиган алоҳида таркибий қисми - ресурслар жумласига ҳам киритилиши мумкин.

Корхонанинг нормал ишлаши учун барча ресурсларни муҳайе қилиш, ишлаб чиқариш маҳсулотларини ўрганиш (сотиш) ва ишлаб чиқариш

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

процессининг ўзини таъминлаш зарур. Таъминлаш функцияси ресурсларининг хар бири турига ва ишлаб чиқариш махсулотларига тааллуқлидир. Ишлаб чиқаришни информация билан таъминлаш алохида ўрин тутади, бу информация ишлаб чиқариш бўлимларида ва хизматларида генерацияланади.

Бошқариш функциясининг корхонани бошқариш структураси билан боғланиши кўриб чиқилар экан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин:

- бошқаришнинг асосий функциялари бўйича ихтисослашган бўлимлар, яъни ўзининг асосий, аниқ ифодаланган бошқариш функциясига эга бўлган бўлимларнинг мавжудлиги (план-иктисод бўлими ёки план-ишлаб чиқариш бўлими, план-диспетчерлик бўлими, бухгалтерия ва бошқалар);

- ишлаб чиқаришни муайян тур ресурслар ёки хизматлар билан таъминловчи бўлимларнинг мавжудлиги;

- ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ихтисослаштирилган бўлимларнинг (механизациялаштириш ва автоматлаштириш бўлимининг) мавжудлиги;

- бошқаришнинг асосий функцияларидан бирини амалга оширувчи хар бир бўлимда ана шу асосий функцияни таъминлаш учун бошқаришнинг барча асосий функцияни таъминлаш учун бошқаришнинг барча асосий функцияларидан фойдаланиш.

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

### 1.3. Бошқаришнинг ташқилий ситемалари.

#### Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва кибернетик ситемалари

Саноатнинг hozirgi ривожланиш даври бошқаришнинг ташқилий ситемалари мавжудлиги билан характерланади, бошқаришнинг ташқилий ситемалари эса ходимлар хулк атворининг ва техникавий холда технологик воситалар мажмуининг регламент тартибини, бошқариш учун фойдалниладиган информациянинг мазмуни ва берилиш тартибини белгиловчи кадрлар мажмуидан иборат бўлади.

Хозирги замон ишлаб чиқариши шу қадар ўсди ва мураккаблашдики, корхонанинг барча даражадаги рахбарлари ўз тажрибаларига, билим ва хотираларигагина таяниб айрим ижрочилар харакатини рационал равишда координациялашга, ишлаб чиқариш процессининг бориш оптималлигини таъминлашга ожизлик қилади. Бинобарин, hozirgi босқисчда ташқилий ситемалар ишлаб чиқаришни бошқаришда ёрдамчи ричаг сифатида гавдаланади. Бунда ташқилий ситема инсонга хос соф субъектив сифатларга боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш масалаларини хал қилишнинг қатий, мутлақо аниқ тартибини ўрнатади. Бу система ташқилий ишларни ўз зиммасига олади ва бошқариш ходимларини унимсиз мехнатдан озод қилади ва, шу билан, уларнинг ижодий фаолиятига ёрдам беради. Ташқилий системалар одатда, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча ходимларга ёки улардан бир кисмига маълум қилинади ва жуда кўп шахснинг ишда қатнашуви назарда тутилади. Аммо, шу билан бирга, ишлаб чиқаришни бошқарувчи кишининг фаолияти тор доирада булиши керак деб хисоблаш ярамайди, мутлақо бундай эмас, унинг фаолияти система томонидан йуналтирилиши ва маълум чегарадан ошмаслиги керак.

Бошқариш объектининг фаолияти унинг киришига берилган топшириқларни халақитлар булган тагдирда (2-расм), яъни ишлаб чиқариш

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

процесси вақтида содир буладиган ҳар хил шароитларда бажариш вазифа сини амалга оширишдан иборат. Масалан, ташқилий планлаштирувчи системаларда ижрочилар ишларни бажариш план-графиксини олади, бу план-графикда қуйилган вазифани белгиланган муддатда бажариш кўзда тутилган бўлади. Бошқариш иши планнинг бажариши ҳолати ва "халакитлар"га мувофиқ равишда планни ўзгартириш йўли билан шунингдек, планни бирор кўрсаткичини оптималлаш ёки план билан факт орасида пайдо бўлган номувофиқликни минималлаштириш мақсадида восита ресурсларни қайта тақсимлаш йўли билан амалга оширилади.

Саноат корхонасининг ишлаб чиқаришини бошқариш нуқтаи назаридан олганда ташқилий системаларни динамик хоссалари жиҳатидан бир вариантли ва кўп вариантли ситемаларга бўлиш мумкин. Бир вариантли ташқилий системалар ишлаш жараёнида операциялар тартибини бир қийматли тарзда аниқлайди. Бундай системалар ечимни талаб этмай-улар илгаридан бериб қуйилган процесснинг бажарилишини таъминлайди. Бинобарин, бир вариантли ташқилий ситемаларда функцияни бажариш етарли даражада чекланган булади.

Кўп вариантли ситемаларда ишлаб чиқариш процессида ресурсларнинг минимал сарфида мақсадга эришишни таъминлайдиган ечимларнинг мумкин булган сони ичидан аниқ ечим қабул қилишни кўзда тутуди. Шу сабабли кўп вариантли ситемалар бошқаришнинг вақт, қиймат, ресурслар, техника-иктисодий кўрсаткичларнинг талаб этиладиган даражалари ва бошқа шу каби параметларини кўзда тутуди.

Юқорида айтилганлардан ташқари, ташқилий системалар ўз кўламлари ёки мураккаблиги жиҳатидан ҳам фарқ қилиши мумкин, яъни ташқилий техниканинг кичик воситаларидан фойдаланадиган (кичик ташқилий ситемалар), перфорацияли ва клавишли ҳисоблаш машиналари типидаги ҳисоблаш-ечиш қурилмалардан фойдаланадиган (ташқилий

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

системалар) ва, нихоят маълумотлар таёрлаш ва уларни узатиш техникавий воситалари билан биргаликда ЭХМ дан фойдаланадиган системалар (катта ташкилий системалар) бўлиши мумкин.

Ташкилий системаларни характерловчи бир қанча бошқа аломатлар, масалан, фойдаланаётган математик моделлар, техник воситалар, бошқариш параметрлари турлари ва шу кабилар хам киритилиши мумкин.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни бошқаришга оид меҳнат-унумли меҳнатнинг алоҳида туридир. Бошқариш ходимлари "мажмуий ишчи" жамиятининг таркибий қисми сифатида гавдаланади. Бошқариш меҳнатининг фарқи шундан иборатки, у бевосита моддий бойликлар тайёрлашга эмас, балки бошқа ходимларга раҳбарлик қилишига қаратилган. Ишлаб чиқаришни бошқаришда алмаштириш маҳсулоти эмас, балки информациядир.

Ходимларнинг меҳнат предметиға бевосита таъсир этиш процессини тақсимлаш, ишлаб чиқариш воситаларини алмаштириш ва истеъмол қилишни ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш динамик система сифатида гавдаланади; шунчаки иқтисодий система эмас, балки расмий-иқтисодий система сифатида гавдаланади.

Модомики, ишлаб чиқаришнинг максади барча жамият аъзоларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ва инсон шахсини хар томонлама тараққий эттириш экан, хар бир ишлаб чиқариш коллективида структуранинг ўзгариш процесслари, меҳнаткашларни умумий таълим професионал-теника даражасини ошириш процесслари, эҳтиёжларини ўсиши, меҳнат шароитлари ва характерларининг ўзгариши содир булади.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши барча чегараларнинг (корхоналарнинг типлари билан хизматчилар демократик типлари орасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат орасидаги чегараларнинг

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

ва бошқаларнинг) йукотилишига, шунингдек, меҳнаткашлар турмуш даражасининг ўсишига меҳнаткашларнинг бўш вақтини оширишиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этишига қаратилган. Шу сабабли процессларни бошқариш, жумладан, тараққиётни планлаштириш зарурдир.

Ишлаб чиқаришни текширишга кибернетик ёндашиш ишлаб чиқаришни бошқарувчи ва бошқарилувчи қисмлардан иборат система деб қарашдан бошланади. Ишлаб чиқариш, жумладан, умумийроқ системанинг системачаси, ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмлари эса навбатдаги даражадаги системачалардир. Бошқаришнинг бошқарувчи (субъект) ва бошқарилувчи (объект) қисмлари орасида кўп томонлама инфор­мацион боғланишлар ва муносабатлар мавжуд.(2-расм)

Инсон меҳнатининг асосий сферасини "нарсаларни" бошқариш ташкил этади. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришида меҳнат воситаси машинадир. "Инсон-машина" системасида инсон бошқариш субъекти, машина эса бошқариш объекти ҳисобланади. Инсон машинанинг иши туғрисида, унинг ҳолати туғрисида маълумот олади, бу маълумотни инфор­мацион анализ қилади, бир қарорга келади ва машинага тегишли топшириқ - команда бериб, уни ижро этади.

Меҳнат воситаларини бошқарувчи ходимларнинг ҳаракатлари келишишни, уларни бошқаришни талаб этади. Ана шу вазифани бошқариш аппаратининг ходимлари бажаради. Бошқариш аппарати ходимларининг ҳаракатлари ҳам келишишга муҳтож булади ва бу бошқариш иерархиясига олиб келади.

Моддий бойликлар ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш воситаларига ва технологик процессларга бевосита таъсир этувчи икки хил ролда гавдаланади: ишлаб чиқаришни бошқариш системасида бошқариш объектлари тарзида ва бошқариладиган муҳитда бошқариш субъектлари

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

тарзида гавдаланади. Бундай ишлаб чиқаришни бошқариш ходимларни ёки ишлаб чиқариш коллективларини бошқариш деган хулоса келиб чиқади, ишлаб чиқариш коллективлари эса ишлаб чиқаришни ўзида ишлаб чиқариш воситаларни бошқаради. "Ишлаб чиқаришда кишилар табиатигагина муносабатда бўлиб қолмайди, Улар биргаликда ҳаракат қилиш ва ўз фаолиятини ўзаро алмаштириш учун маълум тарзда бирлашмай туриб ишлаб чиқара олмайди. Ишлаб чиқариш учун кишилар ўзаро маълум даражада алоқада ва муносабатда бўладилар ва ана шу ижтимоий алоқа муносабатлар доирасидагина уларнинг табиатга муносабати мавжуд бўлади, ишлаб чиқариш содир бўлади".

Ишлаб чиқаришни кибернетик система деб қаралар экан, бошқарувчи ва бошқарилувчи системалар орасида иккита информацион алоқа: тўғри ва тесқари алоқалар борлиги назарда тутилади. Тўғри алоқа бошқарувчи командалар беради, тесқари алоқа таркибига эса бошқариладиган системанинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, яъни ҳисобга олиш маълумотлари булади. Алоканинг иккала тури бошқариш процессининг ўзинигина эмас, балки муносабатларни ҳам, кишилар орасидаги муносабатларни ҳам акс эттиради, шу сабабли уларда информацияни ва ходимларни рағбатлантиришни ва бу рағбатлантириш натижаларини ажратиб кўрсатиш зарур.

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

#### 1.4. Масаланинг Қўйилиши.

Хар бир ташкилотда кадрлар масаласи билан ишлаш жуда катта аҳамият касб этади. Ташкилот қандай ташкилий ҳуқуқда ташкил топишидан, унда қанча ходим фаолият кўрсатишидан катъий назар ходимлар масаласини тўғри ташкил қилиш корхона фаолиятига жуда катта ижобий таъсир кўрсатади.

Катта ташкилотларда кадрлар банкини ташкил қилиш кадрлар ҳисобини юритишнинг энг самарали усули ҳисобланади. Кадрлар банки дастурий таъминотини яратиш учун қуйидаги ишларни бажариш зарур:

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

## II. АСОСИЙ ҚИСМ

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

Ота ва она обрўси бутун хаёт давомида кундалик ибратли хулқи, ахлоқи, интизоми, камтарлиги, ишбилармонлиги билангина қўлга киритилади. Ибрат-намуна, захмат, чин эзгу-ният эвазига юзага келган обрў хақиқий обрў хисобланади. У фарзандлар дикқат-эътиборига меҳр-мухаббат билан йўғрилади. Натижада оила аъзолари тотув, осойишта, иноқ, хаёт кечирадилар; оилада фарзандлар орзу қилгудай, замона рухига мос тарбия оладилар. Улар ота-оналари билан беҳад фахрланадилар ва шу туйғу билан яшайдилар. Бу ўз навбатида, ёшларда келажак хаёти учун, турмуш учун ибратли ахлоқ кўникмаларини таркиб топтиради.

Баъзи ота-оналар борки, улар болалар, оила аъзолари ўртасида калондимоғлик, серзардалик, баджахллик, ўзини ўта оғирқарвон тутиш, «донишманд» қилиб кўрсатиш йўли билан обрў орттирмоқчи бўладилар.

Оилада айрим ота-оналар тазйиқ этиш йули билан фарзандлари ўртасида обрў орттиришни хоҳлайдилар. Бунда улар кўрқитиш, ноўрин буйруқ бериш, тазйиқ ўтказиш усулларини қўллашади. Улар захархандалик ва баджахлликни тарбия воситаси дсб хисоблайдилар. Кўрқинч асосида болада вужудга келган «бўйсунмиш»ни улар ўзларича обрў деб тушунадилар.

Баъзи ота-оналар фарзандлари билан камроқ мулоқотда бўлиш, улардан ўзларини нарироқ олиб юриш билан обрў орттиришни ўйлашади. Уларнинг назарида, гуё фарзанд билан қанча кам учрашилса, шунча кўпроқ обрў қозониш мумкин. Бу мутлақо нотўғри тушунча, ота-она ўз фарзанди билан қанча кам мулоқотда бўлса, улар ўртасида бегоналашиш, лоқайд бўлиш ҳолатлари келиб чиқади.

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

Айрим ота-оналар бола билан фақат расмиятчилик орқали обрў орттиришга ҳаракат қилишади, холос. Бунда улар қилдан қийик, қидиришади, болага танбех, беришади, унинг барча хатти-ҳаракатларини чеклаб қўйишади, бўлар-бўлмасга жеркиб, силталаб ташлашади.

Тадқиқотларга кўра, фарзандларга ортиқча панд-насихат қилавериш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунончи, баъзи ота-оналар арзимаган майда-чуйда масала бўйича ҳам узундан-узок угит-насихат қиладилар, ўзларининг насихатгуйлигини бурч деб ҳисоблайдилар. Майдагаплик, эзмалик билан ўғил-қизлар ўртасида обрў қозониб бўлмайди.

Турмушда шундай ота ва оналар ҳам учрайдики, улар сохта яхшилик қилиш орқали фарзандлари олдида обрў орттирмоқчи бўладилар. Бундай ота-оналар ўзларининг юмшоқ муомалалиги, беозорлиги, кечирувчанлиги, ён берувчанлиги, кам талабчанлиги билан фарзандларни ўзларига ром қилиб олишни истайдилар. Уларда на қатъиятлилик, на талабчанлик, на барқарорлик мавжуд. Унутмайликки, тилёғламалик, сохталик, сунъийлик билан болани яхши йўлга солиб ва унинг олдида обрў қозониб бўлмайди.

Ота-она обрўсини орттиришда, энг аввало, ибрат-намуна муҳим роль ўйнайди. Оилада тарбия ишини муваффақиятли амалга ошириш учун ота-она тинмай ўзларини тарбиялаб боришлари керак. Ўзларида етишмайдиган сифат ва фазилатларни тўлдириб, мавжуд иллатларни батамом тугатишлари лозим. Чунки ота-оналарнинг тарбия жараёнидаги истъдоди — бу фарзандларга нисбатан муҳаббат ва садоқатдан иборатдир.

Ота-она фарзандлар ўртасида обрўга эга бўлишлари учун қатор чора ва тадбирларни амалга оширишлари зарур. Даставвал улар турли ёшдаги

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

фарзандлари рухий дунёсига мос муомала қилишлари даркор. Кичик, ўрта ва катта ёшдаги ўғил-қизлар билан мулоқотда уларнинг ёш хусусиятларига мос муомалада бўлиш шарт.

Ота-оналар фарзандлари даврасида обрў орттириш учун уларнинг рухий дунёсига аста-сскин кириб боришлари айтилиши муддаодир. Чунки болалар ота-оналар қалбига яқинлашиш учун кичкинтойлар «от-от» ўйнашни, ўрта ёшдагилар мусобақаланишни ёки беллашни, кичик ёшдаги ўқувчи болалар эса эртақлар оламига киришни, ўспиринлар оилавий, ижтимоий масалалар юзасидан мунозара юритишни ёқтирадилар. Чин обрўга эга бўлмоқчи бўлган ҳар бир ота-она қимматли вақтларини ўз фарзандларидан ҳеч аямасликлари керак. Болалар рухий дунёсига кириш бачканалик эмас, балки тарбия воситасидир. Фарзандларнинг талаб ва эҳтиёжларини оқилона қондириб бориш уларни бир-бирларига тобора яқинлаштиради, обрўларига обрў қўшади.

Оила даврасида ота-оналарнинг кузатувчанлиги, сезгирлиги ва ҳозиржавоблиги муҳим аҳамиятга эга. Майда-чуйда нарсалар ҳам диққат-эътибордан четда қолмаслиги, уларга шахсий фикр-мулоҳазалар билдиришлари фарзандни хушёр торттиради. Улар ўзларининг нуридийдаларида бундай ажойиб хислатларнинг мавжудлигидан чексиз қувонадилар.

Ота-оналарнинг одилона меъёрли талабчанлиги обрў орттиришнинг энг муҳим йулларидан биридир. Фарзандларнинг кучига, қобилиятига, қизиқишига биноан ақлий ва жисмоний топшириқлар берилиши ва ўз вақтида уларнинг натижасини текшириш болаларда катъиятлиқни вужудга келтиради, натижада катта ёшдагиларга нисбатан

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

уларда ихлос ортади. Ихлос, хурмат, обрўнинг узвий занжири бўлиб хисобланади. Шунинг учун унга алохида эътибор бериш фарзанд камолоти учун муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, ота-оналарнинг самимийлиги ва ғамхўрлиги уларга катта обрў келтириши мумкин. Улардаги самимийлик, ғамхўрлик фазилатлари фарзандлар юрагида учмас из қолдириб, тўғри йўл топа олади. Уларнинг ибратли характер хислатлари болалар қалбида келгуси орзу-умидлари гулшани сифатида катта роль ўйнайди; бинобарин, уларга нисбатан ишонч, интилиш, мойиллик каби истиқбол сифатлари вужудга кела бошлайди. Ота-она обрўси ортиши учун уларда маънавий қиёфа, ахлоқий байналмилаллик, гўзалликка қарашлари, барқарор эътиқод бўлмоғи зарур.

Оилада тотувликнинг мавжуд бўлиши барча муваффақиятларнинг гаровидир. Чунки оила аъзоларининг бир-бирига бўлган муносабатлари келажак авлоднинг қандай шахс бўлиб вояга етишига ўз таъсирини кўрсатади. Хўш, оила кучоғида қандай муносабат вужудга келганда унда тотувлик, бир-бирларини тушуниш ҳолати ҳукм суради?

Фарзандларнинг рухий хусусиятларидан қариялар, тажрибали ота-оналар ўз турмуш тажрибалари орқали бир оз бўлсада хабардорлар. Лекин улардаги билимлар рухият қонуниятларига, болаларнинг ёш ва шахсий хусусиятларига асосланмаган бўлади. Шу туфайли қариялар ёки катта ёшдаги кишилар билан болалар ўртасида «англашилмовчилик ғови» вужудга келади. Бундай муносабатни тубдан ўзгартириш лозим. Бу нарсани ўзгартириш учун уларни психология ва педагогика ҳақидаги билимлар билан муайян даражада қуроллантириш керак.

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

Ўз-ўзидан маълумки, болаларнинг рухий хусусиятларини қарияларга ҳамда катта ёшдагиларга таништириш оилада тотувлик, хамжихатлик, илиқ рухий иқлимни барпо қилади. Болаларнинг катта ёшдагиларга ва қарияларга бўлган илиқ муносабати, меҳр-мухаббати, намуна-тимсол ёки маслак сифатида қараши ва бошқа жараёнлар орқали ўзаро тушунув намоён бўлади. Фарзандларга нисбатан қилинган юмшоқ ёки кўпол муомала уларнинг рухий дунёсида ижобий ёки салбий таассурот қолдиради. Киши кайфияти ё кўтарилади ёки мутлақо бузилади.

Қариялар ва ота-оналар фарзандларининг феъл-атвори ва хулқини, қобилияти ва қизиқишини, умуман олганда, уларнинг рухий дунёсини чуқур билган тақдирдагина оилада нормал (муътадил) рухий илиқ иқлим мавжуд бўлиши мумкин.

Кичик ёшдаги болалар мактаб остонасига оёқ босиши билан ўйин фаолияти ўрнини ўқиш фаолияти эгаллай бошлайди. Баъзан улар қийинчиликлар олдида бардош бера олмай инжиқлик қиладилар. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун уни эркалатмаслик, хамиша қўйган талабини каттиққўллик билан амалга оширавермаслик даркор. Унинг ўрнига йўл-йўриқ кўрсатиш, тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Фақат ана шундагина унда иродавий сифатлар шаклланади.

Бундай ёшдаги болаларга оилада талаб бир хил бўлиши яхши натижа беради. Уларнинг талаб ва истакларини далиллар асосида тушунтиришга ҳаракат қилиш, нотўғри ёки қалбаки ахборотлар беришдан сақланиш керак. Ёлғон жавоб бериш орқали ота-оналарнинг фарзанд олдида обрўси пасаяди, чунки улар уйда олинган жавоб билан ўқитувчисининг жавобини

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

солиштирадидлар ва шу аснода ким ҳақ ёки ким ноҳақ эканлигини аниқлайдилар. Улар учун бошланғич синф ўқитувчиси донишманд, билимдон, ишбилармон шахс ролида намоён бўлади.

Оилада катталар обрўси кўрқитиш асосида вужудга келмасдан, балки самимийлик ила хурмат замирига қурилиши мақсадга мувофиқдир. Оила аъзоларининг иноқлиги, хатти-харакати, кийиниши, меҳнат фаолияти, ўзга кишилар тўғрисидаги суҳбатлари ва уларнинг бошқа сифат ҳамда фазилатлари боланинг мурғак тасаввурига янги тимсолларни олиб киради. Кичик ёшдаги болалар тарбияга берилувчан ҳамда катталарга ишонувчан бўладилар. Ота-оналар уларнинг бу хусусиятларини инобатга олган ҳолда мулоқотда бўлсалар, оилада тотувлик қарор топади. Шу фазилатлар бола онгига сингиб боради ва у келажакда ахлоқан соғлом ўсмир бўлиб етишади.

Ўсмирлик даврида (11—15 ёшлар) болаларнинг рухий дунёсида катта ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришларга қатор сабаблар таъсир қилади. Жумладан, унинг биологик жихатдан тараққиёти, жинсий ўсиши, педагогик жамоа кўламининг кенгайиши, қуршаб олган муҳит таъсири ва бошқа омиллар. Ана шу омиллар таъсири натижасида унинг рухиятида кескин бурилиш ясалади. Шунинг учун мактабда, оилада ва куча-куйда ўзини тутиши ўзгаради; ахлоқий масалаларга қараши бошқачароқ тус олади. Худди шу даврда ўсмирларда шахсий фикрини маъқуллаш, бошқалар фикрига танқидий муносабатда бўлиш, камчиликларига ўз вақтида иқрор бўлмаслик, ўжарлик, ўзбилармонлик, ўзини катталардек хис этиш каби хусусиятлар кўзга ташлана бошлайди.

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

Ота-оналар ўсмирлар билан мулоқотга киришишда уларнинг иззат-нафсига теғмаслиги ҳамда калака қилмаслиги зарур. У холда ота-онага бўлган меҳр-мухаббат, самимий хурмат ўрнини нафрат, хасад эгаллаши мумкин.

Ижтимоий -сиесий узгаришларнинг инсон онгига энг тез жо эта оладиган омиллар ичида оилага тенг келадигани йук,.Оила оламда мажуд барча хужалик юритиш шартларига энг тез мослашадиган,ижтимоий ахамияти жуда катта булган кичик ташкилотдир.Шунинг учун булса керак, барча таълимотларда,динларда оила ва оила муносабатларига мухим эътибор жалб этилади.Тарихий таракдиетнинг хар кандай боскичларида хам билимдон кишилар,донишмандлар, мутафаккирлар акил-заковотларини эр-хотин муносабатларини еркинлаштириш учун сафарбар килганлар.

Лекин уларнинг барчасида оила шакиллари,эр-хотин муносабатлари маънавий ва жинсий муносабат масалаларига кенг ур<sup>ин</sup> берилган.Дин— таълимот сифатида одамларни инсонпарварлик,халолик,меҳр-шавкат сари бошлаган,уларнинг хаетида мухим ечилиши шарт булган муаммоларни бир кадар хал этган.

Мамлакатда тартибни мустахкамламокчи булган подшолар ишни оилани мустахкамлашдан бошлаган.Оила, мутафаккирлар таъкидлаб

келганларидек,мужазгина жамият-кичик мамлакатдир.Инсоният жамиятининг хамжихатлиги хам оиладигиларнинг, жипислигига боглик, булган.Шу сабабдан,оилани бузишга мулжалланган хар кандай назариялар тезда яроксиз булиб крлаверган.

Оилани дин химоя килган..Лекин оила мустахкамлигидан биринчи навбатда давлат манфаат курган.

Тадкикртчилар томонидан тасдикданишича, оила масаласига ижодий ендошиш булган жойда бу кичик ташкилот гоят мустахкамдир.Бу сингари оилаларда еш авлод утмишдан колган анъаналару урф-одатларни яхширок кабул.килади,оталар ва фарзандлар у<sup>Ртаси</sup>Д<sup>а</sup> бирбирини тушунмаслик, тушунишни истамаслик каби муаммолар окилона хал булади.Дадимда ва хатто якин утмишда хам олимлар , мутафаккирлар оилани мустахкамлаш максadini кузлаб аел ва эркак табиатини, уларнинг имконият ва эхтиежларини тадкик, килишган.Уларга жамият номидан тавсиялар беришган.Тавсияларнинг факат бир кисмигина хаётга тадбик; этилса-да оилада тотувлик,давлатда тинчлик хукум сурган.Оила тугрисида гамхурлик—мавжуд жамият тугрисида

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

гамхурлик демакдир.Оилада тотувлик хукм суриши ижтимоий хаётнинг,барча сохаларига барака киритади. Шу боисдан ҳам Президентимиз И.А.Каримов : "Оилага эътиборимизни тубдан узгартириш,оилаларни аввало ижтимоий химоялаш ,эъзозлаш,куллаб-куватлаш—бугунги кунимиз учун ва эртанги истикболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор", дея алоҳида қайд этганликлари бежиз эмас. Таъкидлаш жоизки,"Юксак маънавият - енгилмас куч"асари ана шу ҳетий заруратга жавоб сифатида дунегга келди.

Одамзот учун бир умр зарур буладиган табиий қуниқма ва ҳуссиятлар,масалан,хар қайси боланинг узига хос ва узига мос қрбилияти,атрофидаги одамлар билан муомиласи,тенгдошлари орасида узини қандай ҳис қилиши,етакчилик ҳислатларига эга бўлиши еки эга бўлмаслиги,қерак бўлса,дуне қараши - буларнинг барчаси аввало унинг тугма табиати,шу билан бирга ,оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт таҷрибаси қуп мисолларда тасдиқлаб беради

Шунинг учун оила муҳитида фарзандлар тарбиясига аҳамиятни қучайтириш энг самарали усулдир.

Тарбия қандай бўлса - жамият ҳолати ҳам қупинча шундай бўлади, мустаҳкам оила - мустаҳкам давлатнинг асоси бўлганидек,яхши тарбия маданиятли жамиятнинг ҳам асосидир.Чунки тарбия орқали авлодларнинг маънавий ва ахлоқий бойлиги,авлодлар хотираси ва виждони бошқа авлодга узатилади. Янги авлод утмиш авлоддан қанча қуп маънавий ва ахлоқий бойлик олса,демак унинг маънавияти,ахлоқ,и шунча бой ва шунча юксак бўлади.

Тарбиянинг бош мақсади ана шу маънавият ва қадриятларнинг бир авлоддан иккинчи авлодга утқизишдир.Бу уринда энг муҳим омиллардан бири уша маънавият ва қадриятларни ташувчи тарбиячининг шаҳси ва қамолоти ҳисобланади, албата тарбиялаш учун тарбияланган бўлиш қерак,деб бежиз айтмаган,А-С.Мақаренко

Хар бир ота-она фарзандининг барқамол,соғлом, иймонли,инсофли бўлиб улғайишини,узларига муносиб ворислар бўлиб қамол топишларини орзу қиладилар.Боланинг характери,табиати ва дунеқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик,олийжаноблик ва меҳр-оқибат,ор-номус ва андиша қабии муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.

Албата Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, "Хар қайси миллатнинг узига хос маънавиятини шақиллантириш ва юксалтиришда,ҳеч шубҳасиз,оилани урни ва таъсири беқиедир"

Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо буладиган ота-онага ҳурмат,уларнинг олдидаги умирбод қарздорлик бурқини чуқур англаш

Бажарди:			
Текширди:	Раҳимов К	Бет:	

хар кайси инсонга хос булган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, " Оилавий тарбия масаласида хатога йул куймаслик учун аввало хар кайси хонадондаги маънавий икдимини узаро хурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига курипт айни муддао булур эди. Биз уз фарзандларимизнинг бахту саодатини, икболи ва камолини куришни

истар эканмиз, нафакат оиладаги, балки махалла-куйдаги одамларнинг хатти-харакати хам боланинг шакилланиб келаётган соф калби ва онгига кандай таъсир курсатиши хакида доимо уйлашимиз, бу масалада зиммамизда кандай улкан маъсулият борлигини унутмаслигимиз зарур

Табиийки, "Юксак маънавият - енгилмас куч" китобида бу йулда эришилган бой ва ибратли тажриба умумлаштирилган, шу асосда мухим назарий хулосалар чикарилган.

Бугунги кунда бизнинг килаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг еруг келажаги учун амалга оширилмокда.

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

### **III МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ ВА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ.**

Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ўз йулини танлаб олди. Ўз конституциясини қабул қилди, қарорлар қабул қилинди. 1993 йил қабул қилинган Меҳнат Қонуни ҳам шулар жумласидандир. Республикамизда меҳнат шароитини яхшилаш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш, иш жойларида ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий, техник, гигиеник шароитлар яратиш мақсадида бир қатор меъёрий ва қонуний ҳужжатлар мавжуд. Асосий ҳужжатлардан бири Республика Конституцияси, Меҳнат қонуни, Меҳнат кодекси ва х.к.лардир. Меҳнат жараёнида инсонларнинг яхши меҳнат шароитида ишлаши, уларнинг меҳнат қобилиятини мустаҳкамлайди ва ишлаб чиқишда юқори самарадорликка эришилади. Меҳнат фаолияти жараёнида инсонга бир қатор физиологик, психологик, интимий ва бошқа салбий омиллар унинг иш қобилияти ва психологик ҳолатига таъсир қилади. Республикамиз мустақил бўлганидан кейин бозор муносабатлари ривожланаётган бир пайтда, меҳнат хавфсизлигига доир бир қатор чоратadbирлар, жумладан, меҳнат жараёнида инсонни соғлиғини сақлаш, меҳнат қобилиятини сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иш жойларида:

- хавфли ва зарарли омилларни бартараф этиш;
- санитария-гигиена талабларини бажариш;
- электр хавфсизлигини таъминлаш;
- хавонинг тозалиги ва ёритиш;
- магнит ва радиоактив нурлардан химояланиш;
- шовқинлар, тебранишларни камайтириш;

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

- ташкилий-техник талабларни бажариш;
- ишчи ва ходимларнинг яхши дам олиш шароитини яхшилаш ва бошқа чора тадбирлар амалга оширилмоқда.

Саноат корхоналарининг иш жараёнида шикастланиш ва касбий касалликларни камайтириш давлат миқёсида ижтимоий, иқтисодий ахамиятга эга бўлиб, меҳнат муҳофазаси бўлими раҳбарият ва касаба уюшмалари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар белгиланди. Саноат корхоналарида қонун асосида меҳнатни муҳофаза этиш масалаларини хал қилиш мақсадида ҳар йили касаба уюшмаси ташкилотлари билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси чора тадбирлари ишлаб чиқилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Қонунлари кодекси асосида олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрида 12- чакирик II сессиясида тасдиқланган Конституциянинг 18-20, 27, 29, 36-42-моддаларида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари баён этилган.

Меҳнат муҳофазаси - бу қонунлар мажмуаси бўлиб, у социал ва иқтисодий уюштирувчи техник, гигиеник, даволаш каби ишлар ва вазифаларни ўз ичига олади.

Конституция барча фуқароларни меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлайди, яъни меҳнаткашлар маълум миқдорда ҳақ олиш ҳисобига иш билан таъминланадилар. Бу ҳуқуқ ҳафтасига 41 соатдан ошмаган иш соати белгилаш асосида ва йилига бир марта ҳақ туланадиган (дам олиш) таътил бериш йули билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Қонунлари кодексида соғлиқни сақлаш, хавфсиз ва соғлом шароит яратиш, халқ учун маданий ва маиший фаровонликни таъминлашга оид купгина масалалар куриб чиқилган. Масалан: жамоа шартномаси, меҳнат

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

шартномаси, иш билан таъминлаш, иш вақти, дам олиш вақти, иш хаки, имтиёзлар, аёллар меҳнати ва ҳақозолар. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини уюштириш 1980 йил 10 июлда тасдиқланган ва 1984 йил 14 ноябрдан кучга кирган ягона «Низом» га асосланади. Ишлаб чиқаришда техника хавфсизлиги, санитария-гигиена ҳолати буйича жавобгарлик корхона бошлиғи - директор ва муҳандис зиммасига юклатилган. Цех, булим, участка, лабораторияда ўзларининг бошлиқлари жавобгардирлар.

Корхона бошлиғи ажратилган маблағ ва воситалардан режали фойдаланиши, хавфсизлик техникаси қонун-қоидалари ва нормаларига риоя қилиниши, меҳнат қонунчилигига амал қилиниши, Вазирликдан ва Давлат назорати инспекциясидан бериладиган фармойиши, курсатмаларнинг бажарилиши устидан назорат урнатади. Меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизимининг тадбиқ қилинишини таъминлайди, меҳнат шароитини яхшилаш, санитария соғломлаштириш тадбирлари ҳақида тўзилган режаларни куриб чиқади ва уларни юқори ташкилотга тасдиқлаш учун тақдим этади, касаба уюшмаси кумитаси билан келишади.

Барча Вазирликлар, ташкилотлар ва корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилинишини назорат этиш Ўзбекистан Республикаси бош прокурорига юклатилган. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бажарилаётганлигини назорат органлари кўзатиб боради.

### **I. Операторнинг чарчасини камайтиришга қаратилган тадбирлар.**

Замонавий автоматлаштирилган ишлаб чиқаришда инсон операторнинг психология ва физиологияси асосий ролни эгаллайди. Ишлаб чиқаришда меҳнат шароитини яхшилаш ва илмий асосда

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

аниқлаш, меҳнатни тугри ишлаш маромини таъминлаш, меҳнат тартиби ва дам олишни ташкил қилиш зарур.

Дисплей билан ишлайдиган ЭХМ операторларида асосан, бош оғриши, бел, елка, орқа оғриши, кўз чарчаши кўзатилади. Меҳнат шароитини яхшилаш чора-тадбирлар орасида энг асосийси ишчининг иш ҳолати ва иш маромидир.

*Иш ҳолати.* Иш ҳолатини яхшилашда операторнинг иш урни асосий аҳамият касб этади. Ишчи стол каттик. ҳолда бўлиши керак, чунки керакли пайтда экранни, клавиатурани, документларни силжитиш имконини берсин. Ишчи столи ва утиргичлар бир-бирига мутаносиб бўлиши керак. Утиргични полдан баландлиги 42-55 см булади. Ишчи кресло иш давомийлигига қараб танланади: ўзоқ вақт давомида ишланса -оғир, каттакон кресло, қисқа вақт давомида енгил креслодан фойдаланса булади, чунки уларни жойидан осон силжитилади. Креслонинг таг қисми 5 та таянчдан иборат бўлиши зарур. Утиргичлар қулай бўлиши керак, унинг улчами 40x40 см.кв. дан ошмаслиги зарур

Меҳнат шароитини яхшилашни яна бир чора-тадбири бу операторнинг иш маромидир.

*Иш мароми.* Дисплейлар билан ишлайдиган операторни иш маромини йулга қуйиш меҳнат хавфсизлигини ва чарчашни камайтиришни олдини олади. Иш куни мобайнида ишчининг ишлаш қобилияти бирдан ўзининг энг катта қийматига эриша олмайди. Операторнинг дисплей билан ишлаганда иш мароми ҳар 2 соатда ярим соат дам олиши ёки 1 соатда 15 минут дам олиб туриши л озим. Бу қисқа-қисқа дам олиш иш қобилиятини яхшилаш ва чарчашни олдини олади. Бундан ташқари, оператор ва машина ўртасидаги масофа, шу

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

масофага биноан экрандаги ёзувларни катталиги, экран ёркинлиги ҳам шулар жумласидандир. Кўз ва экран

Иш жойини режалашда столда жойлашган дисплей ва клавиатура туришига кура кўл холатини ҳам назарда тутиш керак.

Битирув малакавий иши тайёрланган хонадаги ЭХМ нинг клавиатураси экрандан алохида жойлашган бўлиб, иш жойи шартларига мувофиқ келади.

Оператор иш ўрнида дисплей жойлаштирилаётганда кўз ва бошнинг харакати аниқланадиган кўриш майдони ҳам кўзда тутилади. Оператор ўз иш жойини шундай таъминлаши керакки, бунда экран ўртада, ёзилаётган документ эса чап ёнда ёки махсус жойлатиргичларда туриши керак. Клавиатура нисбатан текис туради, ўрта қатордаги клавишалар баландлиги 2.5 - 5.0 см . Клавиатуранинг ўрта кисмидан стол киргогигача бўлган масофа 16 см. ЭХМлар иш давомида ўзидан турли рентген нурларини чиқаради. Шуни ҳисобга олиб, ишлаш давомийлигини кискартириш керак, шунингдек, махсус химоя экранларидан фойдаланиш керак.

Меҳнат шароитини яхшилаш мақсадида ташкилий, гигиеник, техникавий чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва ишчи-хизматчилар орасида меҳнат гигиенаси норма, қоидаларига риоя этиш буйича ташвиқот ишлари олиб борилади.

Ишлаб чиқариш санитарияси санитария-технологик, ташкилий тадбирларни ифодалайди ва ишлаб чиқаришда соғлом меҳнат шароитларини таъминлайди. Шу мақсадда ишчи-хизматчиларнинг саломатлигига таъсир килувчи технологик жараён ва ускуналардаги камчиликларни йукотиш йулларини ишлаб чиқарди. Бунинг учун

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

саноат корхоналарида техника тараккиёти ютуқларидан унумли фойдаланишни, жараёнларни олисдан бошқа риш ва ишчиларни зарарли мухитда ишлашларининг олдини олишни, ускуналарни, курилмаларни очик майдонда жойлаштиришни, хаво таркибини текшириб туришни, кул меҳнатини талаб қиладиган ишларда имкони борича механизация воситалари ва замонавий ускуналарни куллашни, химоя воситаларидан фойдаланишни зарур деб хисоблайди.

Ишлаб чиқаришда хавфсизликни таъминлашда эргономиканинг ҳам ахамияти катта. Эргономикада инсоннинг меҳнат фаолияти жараёнида кулай, хавфсиз шароитларни яратишга, меҳнат унумдорлигини оширишга боғлиқ бўлган имкониятлар ўрганилади.

Бажарилаётган турли жараёнлар ва унга боғлиқ бўлган ускуна, курилмалар доирасида ахборотни етказувчи-курсатувчи мослама-машина модели булса, оператор мураккаб тизимда булса ҳам, бошқа риш ишларини амалга оширади. Бу вазифани бажариш учун шундай ахборот модели яратилиши керакки, бу модел ўз вақтида машинага тааллуқли таърифни бериши, натижада оператор толиқмасдан, фикрлаб ва эътибор билан ахборотни хатосиз қабул қилиб қайта ишлаши лозим. Мураккаб хисобланган вазифани ечиш операторнинг хавфсизлигига, аник сифатли ишлашига, меҳнат унумдорлигига, шунингдек инсоннинг психофизиологик имкониятларини ахборот моделига мос бўлишига боғлиқдир.

Биофизик мослик операторнинг иш қобилиятини, нормадаги физиологик холатини таъминлайдиган атроф-мухитнинг яратилишини ифодалайди. Инсоннинг кучи ва энергетик қобилияти маълум чегарага эга. Шунинг учун иш жараёнида бошқа риш тизимида чарчаш мақсадга мувофиқ булмаган оқибатга олиб келиши мумкин. Энергетик мослик эса операторнинг оптимал имкониятлари асосида талаб

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

килинадиган куч, сарфланадиган кувват, харакатнинг аниклиги ва тезлиги билан машинани бошқа рилишидаги келишувни ифодалайди.

Фазовий-антропометрик мослиқ инсон танаси улчами, ташки фазонинг таъсирли имкониятлари, иш жараёнида операторнинг вазияти, гавданинг туриши хисобга олинишини ифодалайди. Вазифанинг тугри хал килинишида иш жойи хажми, оператор харакатланадиган масофа, баландлик, бошқа рув пультигача бўлган оралик ва бошқа курсаткичлар аниқланади.

Булардан ташқари инсоннинг психик фаолияти ҳам муҳим урин тутуди. Инсоннинг қобилияти, самарали меҳнат фаолияти унинг психик кучланиш даражасига боғлиқ. Оператор учун нормал шароитдаги хис-туйғу ва меҳнат қилиши учун рухий кучланиш даражаси 40-60% дан ошмаслиги кўзда тутилади, акс холда бу унинг иш қобилиятининг пасайишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш биноларини нормадаги метереологик ва санитария-гигиена шароитлари билан таъминлашда, иш жараёнида зарарли ва захарли маҳсулот-моддаларнинг микдорини чегараланган даражада бўлишида, меҳнат шароитларини янада соғломлаштиришда, меҳнат унумдорлигини ва меҳнат хавфсизлигини оширишда шамоллатиш катта аҳамиятга эга.

Бинодаги хаво алмашилиши маълум микдорда бўлиши учун девор, дераза, ёпма ва фонарлардаги дарчалар купрок ёки камрок очилиб, шамол йуналишига қараб мосламалар ёрдамида бошқа рилади.

Киш вақтида бинодаги ва ташки хаво хароратидаги фарк катта бўлганлиги учун, бинодаги хавони алмаштириш камрок талаб килинади. Шунинг учун ҳам хаво берувчи дарчаларнинг юзаси камайтирилиб, улар пол юзасидан 5-6 метр баландликда урнатилади.

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

Ёз фаслида эса хаво оқими 1,5-2 метр баландликда уюштирилса етарли.

Биоларда, хоналарда шамоллатиш қурилмалари иш бошланишидан 10-15 минут аввал ишга туширилиб, иш тамом бўлганидан 10-15 минут кейин тухтатилади.

Санитария-гигиена талабларига мос келувчи яна бир ҳолат хонанинг ёритилганлик даражасидир. Тугри ва режали ёритилган хоналарда иш унумдорлиги ошади, толиқиш камаяди ва корхонанинг хавфсизлиги таъминланади. Яхши ёритилмаган хоналарда ишлаётган оператор ёки ишчи атрофда жойлаштирилган нарса ва буюмларни яхши қурмайди, ишлаб чиқариш шароитига мослаша олмайди.

Натижада ишчи меҳнат фаолиятида кўзнинг зуриқиши вужудга келади. Хаддан ташқари ёритилганлик ҳам кўзга ёмон таъсир курсатади. Хонанинг нормал ёритилганлиги 400 люкс бўлиши керак.

Ёруғлик ишчининг иш жойига қайси тарафдан тушаётганлиги ҳам муҳим. Ёритиш тизими турларини танлаш асосан бажарилаётган ишнинг технологик жараёнига, категориясига боғлиқ.

Ишчининг меҳнат фаолиятини яхшилаш учун юкорида айтиб ўтганимиздек ёритилганлик, намлик, шамоллатиш каби ҳолатларга эътибор бериш керак.

Нормал шароитда хонанинг намлиги 60-70 % атрофида бўлиши керак.

Хонадаги хаво алмашинишини ҳам эътиборга олсак, ҳар бир хонада вентилятор урнатилиши зарур.

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

## ХУЛОСА

Хозирда саноат ва корхоналар замонавий компьютер ва телекоммуникация технологиялари асосида жихозланмоқда. Бу, ўз навбатида ходимларнинг ўз меҳнат фаолиятларига янгича ёндашувларини талаб этади. Шу билан бирга ҳар қандай идора корхона ишини автоматлаштириш жуда катта аҳамиятга эга.

Шуни эътиборга олган ҳолда бу масалани автоматлаштириш катта аҳамият касб этади.

Жамиятнинг барча жабҳаларини компьютерлаштириш жадал суратлар билан бормоқда. Чунки ходимнинг автоматлашган ишчи ўрнини яратиш иш самарадорлигининг янада ошишига олиб келади. Бошқариш маълумотларни сақлаш, ишлаш ва қидиришнинг оптимал таркибини яратади. Бошқариш кўпдан кўп автоматлаштирилган процедураларга ва маълумотлар берувчи системага эга бўлиб, ундан ўз маълумотлар базангизни яратишда ва такомиллаштиришда фойдаланишингиз мумкин.

Ушбу дастурий таъминотни яратиш учун Бошқариш маълумотлар базасини бошқариш системаси танланган бўлиб қуйидаги ишлар бажарилди:

- Корхона иши фалоияти билан тулик танишилди;
- Маълумотлар базаси учун 5 та жадвал яратилди ва улар ўртасида зарурий боғланишларни яратиш;
- Фойдаланувчи учун қулай бўлган интерфейс яратилди;

Хулоса қилиб айтганда ишдан қўзланган мақсадга эришилди.

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	

## 5. Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев А.А., Алиев Р.А., Уланов Г.М. Принципы построения АСУ промышленными предприятиями с непрерывным характером производства. М.: Энергия, 1975.- 440 с.
2. Рахмедов Д. А. бошқариш назарияси,
3. Тошкент, "Узбекистон" нашриёти, 1993 йил.
4. 4. Тим Андерсон “Қадам ба қадам ” ТОШКЕНТ “ЎЗБЕКИСТОН ” 2002 йил.
5. Когаловский М.Р «Психологии управления » Москва 1993 год.
6. А.Н. Наумов, А.М. Вендров и др, «Системы управления базами знаний», Москва: Финансы и статистика, 1991 год
7. Х. Рахимов, А. Аъзамов, Т. Турсунов «Мехнатни муҳофаза қилиш»  
Тошкент. 2000 йил
8. У. Йўлдошев, У, усмонов, О. Қудратов “Мехнатни муҳофаза қилиш”  
Тошкент 2001 йил

Бажарди:			
Текширди:	Рахимов К	Бет:	